№ Центральная палата ... 18 DEK 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 278 (18.755). ● Чоршанба, 1983 йил 7 декабрь ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини таъминлаш тўғрисида»қарор қабул қилдилар.

Қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилганидек, кейинги йилларда автомобиль транспорти кенг ривожланиб, мамлакат ягона транспорт системасининг энг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Унинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, машиналар парки замонавий автотранспорт воситалари билан мунтазам суратда тўлдирилмоқда, автомобилларнинг техникавий даражаси, улар ишининг сифат ва фойдаланиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Шу билан бирга автомобиль юк транспортининг ҳаракат составидан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд. Юкларни иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган марказлаштирилган тартибда ташиш ҳали ҳам етарлича ривожлантирилгани йўқ, умум фойдаланадиган автомобиль транспортини устун даражада ривожлантириш ва ҳаракат составини йирик автомобиль хўжаликларида марказлаштириш таъминланмаяпти. Автомобилларнинг юк ортмай бўш юриши ҳамда юк ортиш ва туширишда вақтидаги нормадан ортиқ бекор туриб қолиши ҳамон кўп бўлиб, автотранспорт воситаларидан норационал фойдаланиш ва уларни бошқа юмушларни бажаришда ишлатиш каби ҳолларга кўплаб йўл қўйилмоқда.

Юк автомобиллари паркининг структураси юк ташиш шароитларига кўп жиҳатдан мос келмайди. Халқ хўжалигида оз ва кўп юк ташийдиган автомобиллар, ҳар хил ишларни бажарадиган махсус транспорт воситалари, прицеплар ва ярим прицеплар етишмаяпти. Автомобиллар дизель ёнилғисига ва суюлтирилган табиий газ билан ишлашга секинлик билан ўтказилмоқда. Автомобилларнинг талайгина қисмидан ҳамон спидометрлари носоз ва пломбаланмаган ҳолда фойдаланилмоқда. Айни вақтда Автомобиль саноати министрлиги билан Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлиги автомобилларнинг ишини ва уларнинг ёнилғи сарфлашини контрол қилиш учун бирмунча пухта ва самарали приборлар яратишга эътибор бермаяптилар.

Автомобиль транспорти ишини планлаштириш сифатини ошириш ва бу ишда ҳисоб-китобни ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материалларини оқилона, тежаб-тергаб сарфлашни таъминлаш борасида етарлича чоралар кўрилмаяпти. Автомобиль ёнилғисини сарфлашни нормалаш ҳамон қониқарсиз қолмоқда. Ташилмаган юк ҳажмини ошириб ёзиш, ёнилғи-мойлаш материалларини исроф қилиш ва ўғирлаш ҳоллари оз эмас. Кўпгина бензин қуйиш станцияларида автомобилларга бензин бериш тартиби бузилмоқда.

Автомобиль транспорти ишидаги ва аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлашдаги мана шу камчиликлар, аввало, интизом ва талабчанлик сусайиб кетганлиги, министрликлар, идоралар, маҳаллий партия ва совет органлари автотранспорт воситаларидан фойдаланиш устидан етарлича контроллик қилмаётганликлари сабабли юзага келган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети автомобиль транспортида давлат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб ҳамда унинг халқ хўжалигидаги роли ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шуни таъкидладиларки, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёнилғи-мойлаш материалларининг яхши сақланишини ва тежаб сарфланишини таъминлаш партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, барча министрликлар ҳамда идораларнинг кечиктирилмайдиган вазифаси бўлиб қолиши керак.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари билан Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, СССР министрликлари ва идораларига автомобиль юк транспорти ишини ташкил этиш, планлаштиришни ва шу ишда ҳисоб-китобни тубдан яхшилашни, автомобилларнинг нормадан ортиқ бекор туриб қолишини ва бўш юришини камайтиришни тугатишни, автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги устидан контролликни кучайтиришни, юк ташиш чоғида ошириб ёзишларга, шунингдек бензин ҳамда бошқа ёнилғи-мойлаш материалларининг исроф бўлиши ва талон-торож қилинишига барҳам берилишини, автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарда, юк жўнатувчи ва юкни қабул қилиб олувчи корхоналарда интизомни мустаҳкамлашни таъминлаш топширилди.

Автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари меҳнат коллективларининг тарбиявий кучига таяниб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши, ўз вазифаларига нисбатан бепарво муносабатда бўлишга қарши, хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларига қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим.

Бошлангич партия ташкилотларига автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш, маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши, техникага нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, автомобиль ёнилғисини тежаб-тергаб сарфлаш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Госплани зимасига йиллик планларда автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмини, шунингдек автомобиль ёнилғиси фондларини ҳамда транспорт ишига ёнилғи сарфлашнинг СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бўйича нормаларини тасдиқлаш вазифасини юкладилар. Марказлаштирилган тартибда юк ташиш планларини ҳам СССР Госплани тасдиқлаши кўзда тутилади.

Умумфойдаланадиган автомобиль транспортини илдам ривожлантиришни таъминлаш вазифаларига асосланиб, мамлакат автомобиль транспортининг умумий юк оборотида унинг салмоғини ошириш зарур деб топилди.

Юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда транспорт жараёнини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қарорда ўз қарамоғида юк автомобиллари бўлган СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари учун 1984—1990 йилларда автомобилларнинг бекор туриб қолишини ва юк ортмай, бўш юришини камайтириш, улар ишининг унумдорлигини ошириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига юк ташиш таннархини арзонлаштириш топшириқлари тасдиқланди.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, Москва ва Ленинград шаҳар ижроия комитетлари майда автотранспорт корхоналарини жуда қисқа муддат ичида йириклаштиришлари, идораларга қарашли автомобиль хўжаликларида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим. Зарур бўлган ҳоллларда норентабель автомобиль хўжаликлари қайси идораларга қарашли эканлигидан қатъи назар, уларни тугатиш, шунингдек юк ташиш ҳажмларини, юк автомобилларини, ишлаб чиқариш базасини, ходимлар сонини ва иш ҳақи фондини умумфойдаланадиган автомобиль транспорти корхоналарига ўтказиб, улар зимасига юк автомобилларини топширган корхоналар ва ташкилотларга хизмат қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарорлар қабул қилинсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига:

одатда, шаҳарлараро юклар умумфойдаланадиган автомобиль транспортида ташиладиган автомобиль йўлларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда 1990 йилга бориб ана шу йўлларда жойлашган пунктлар ўртасида юк ташишда идораларга қарашли автомобиль транспортининг иштирок этишига барҳам бериш тадбирларини амалга ошириш;

1984 йилдан бошлаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга майда туркумдаги юкларни юк таксомоторлари принципига мувофиқ ишловчи автомобиллар да ташишга бир марта берилган буюртмалар асосида хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

автотранспорт воситаларининг қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан контролликни амалга оширишда умумфойдаланадиган автомобиль транспорти диспетчерлик хизматининг ролини ошириш ҳамда шу хизматни малакали ходимлар билан таъминлаш чораларини кўриш таклиф этилди.

СССР Молия министрлигига, СССР Давлат банкига, СССР Марказий статистика бошқармасига ва РСФСР автомобиль транспорти министрлигига автомобиль транспортида юк ташиш учун ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги инструкцияни ва товар-транспорт ҳужжатларининг формаларини қайта кўриб чиқиш, уларни анча соддалаштириш ҳамда мазкур ҳужжатларни механизмлар ёрдамида ишлаб чиқиш имконияти берилиши учун шарт-шароитлар яратишини назарда тутиш топширилди.

Министрликлар ва идораларга автотранспорт корхоналарининг иши, ёнилғи-мойлаш материаллари оқилона сарфланиши, шунингдек, товар-транспорт ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилиши ва ташилган юк ҳажми белгиланган тартибда солиштирилиб чиқилиши устидан контроллик кучайтирилишини таъминлаш таклиф этилди.

Товар-транспорт ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилганлиги сабабли юк ташиш юзасидан бажарилмаган иш ҳажми ошириб ёзилишига ва бажарилган юк ташиш ҳажмининг белгиланган тартибда солиштирилиб чиқилишига риоя этилмаслигига олиб келганлиги учун шу вазифаларни амалга ошириш юкланган ходимлар ва бу ишни ташкил этиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар йиллик иш якунлари бўйича бир йиллик муддат билан мукофотлар ва тақдирлашнинг барча турларидан маҳрум этиладилар, деб белгилаб қўйилган.

Юк ташиш юзасидан бажарилмаган иш ҳажмини ошириб ёзиш натижасида корхоналарга зарар етказишда айбдор бўлган ходимлар амалдаги қонунда белгиланган тартибда шу зарарни қоплайдилар.

Юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олишда ўз вақтида тайёргарлик кўришдан, юк ортиш-туширишни ишларини жадаллаштиришдан, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб сарфлашдан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш билан банд бўлган ходимларни автомобилларнинг бекор туриб қолишини белгиланган нормаларга нисбатан камайтирганлиги учун моддий рағбатлантиришни жорий этиш;

бензин ва дизель ёнилғисини тежаганлиги учун автомобиль транспорти ходимларига тўланадиган мукофотлар миқдорини ана шу ёнилғи қийматининг 95 процентига қадар кўпайтириш;

автомобиль транспорти ходимларининг айби билан ёнилғи белгиланган нормадан ортиқча сарфланганлиги учун улардан ортиқча сарфланган автомобиль ёнилғиси қийматининг 100 проценти миқдорида ушлаб қолиниши белгилаб қўйиш зарур деб топилди.

Министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга юк автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, бригадаларни хўжалик ҳисоби шароитида бригада пудрати методи асосида ишлашга ўтказиш тадбирларини кўриш таклиф этилди. Бунда бригададаги ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш системаси бутун коллективнинг пировард меҳнат натижаларига эришишдан, меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини оширишдан шахсий ҳамда коллектив моддий манфаатдорликнинг қўшиб олиб борилишини таъминлаши лозим.

Ҳаракат составидан самарали фойдаланишдан, шунингдек, юкларнинг яхши сақланиши, уларнинг ўз вақтида етказиб берилишидан юк автомобиллари ҳайдовчиларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида айрим автотранспорт корхоналарида ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш юзасидан эксперимент ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, шунингдек СССР министрликлари ва идораларига юк автомобилларининг ҳайдовчиларини улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг вақтбай мукофот системасига ўтказиш чораларини кўриш ҳамда иш ҳақи фонди ҳисобидан уларга тўланадиган мукофотлар миқдорини тариф ставкасининг 60 процентига қадар ошириш ҳуқуқи берилди.

Министрликлар ва идоралар спидометр ускунасини яхши сақлаш ва ундан фойдаланишда тегишли тартиб ўрнатишлари, ҳар бир автомобиль хўжалигида спидометрнинг созлиги ҳамда унинг кўрсаткичлари тасдиқланган қоидаларга қатъий мувофиқ равишда тўғри бўлиши устидан мунтазам контролликни таъминлашлари шарт.

Шу нарса белгилаб қўйиладики, спидометри ишдан чиққан ва носоз ёки пломбаланмаган спидометрли автомобилнинг йўлга чиқарилишига доир ҳар бир факт автотранспорт корхонасининг маъмурияти томонидан касаба союз комитетининг иштирокида текшириб чиқилиши керак, шу бузилишларда айбдор бўлган шахслар эса белгиланган тартибда қаттиқ жавобгарликка тортиладилар.

Қарорда Автомобиль саноати министрлигига халқ хўжалиги юк автомобили паркининг оқилона структурасини вужудга келтириш учун зарур бўлган автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлаш, дизель автопоездлари, кичик юк автомобиллари, прицеплар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш топширилган.

СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига ва Центросоюзга транспорт воситаларига эга бўлган гражданларга нақд пул билан ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш учун, жумладан қишлоқларда ҳам бензин қуйиш станциялари тармоғини кенгайтириш топширилди. 1984 йилдан бошлаб бир қанча шаҳарлардаги бензин қуйиш станцияларида кредит карталари билан нефть маҳсулотлари берадиган автомат система жорий этилсин.

СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кўчма бензин қуйиш станцияларини гаражларнинг территориясида жойлаштириш учун махсус майдончалар ва донмий ишлайдиган бензин қуйиш пунктларини қуриш таклиф этилди.

СССР Халқ контроли комитети билан унинг жойлардаги органларига министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг, колхозлар ва совхозларнинг автомобиль транспорти ва ёнилғи-мойлаш материалларидан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириш таклиф қилинди. Ташилган юк ҳажми ошириб ёзилишига, автомобиль ёнилғиси талон-торож қилиниши ва ўғирланишига йўл қўяётган мансабдор шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилсин.

СССР Молия министрлиги билан СССР Марказий статистика бошқармаси автомобиль транспортида ташилган юк ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги, ёнилғи-мойлаш материаллари тўғри сарфланиши, юк жўнатувчи корхоналар билан юкни қабул қилиб олувчи корхоналар товар-транспорти ҳужжатлари бўйича товар-моддий бойликларни рўйхатдан чиқариш ва рўйхатга олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя этишлари устидан, шунингдек ташилган юк ҳажми тўғрисидаги маълумотларни текшириб чиқиш устидан назоратни кучайтиришлари шарт.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига ушбу қарорнинг бажарилиши устидан доимий контрол қилиш, автомобиль транспорти ишини яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтириш вазифаси юкланди, автотранспорт воситаларидан норационал, самарасиз фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлашга хўжасизларча муносабатда бўлиш фактларига қатъий чек қўйиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, автотранспорт корхоналари ҳамда нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг, юк жўнатувчи ва юкни қабул қилиб олувчи корхоналарнинг меҳнат коллективлари автомобиль транспорти иши самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигида транспорт харажатларини камайтириш, ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини ҳамда улар тежаб сарфланишини таъминлаш учун барча зарур ишларни қиладилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ХОРАЗМ	0,08	108,05	0,05	62,16
ҚҚАССР	0,12	107,65	0,06	74,49
ТОШКЕНТ	0,03	104,03	—	87,75
САМАРҚАНД	0,32	101,18	0,21	57,49
БУХОРО	0,34	100,36	—	8,43
ҚАШҚАДАРЁ	0,27	100,00	0,38	74,45
Навоий	0,38	98,0,6	0,30	37,74*
Сурхондарё	0,70	97,11	0,43	47,53
Фарғона	0,41	93,86	—	13,75*
Наманган	0,18	90,57	0,01	50,57
Андижон	0,15	89,92	0,01	25,55
Жиззах	0,07	83,48	—	61,27
Сирдарё	0,08	83,34	—	60,56
Республика бўйича:	0,25	96,39	0,11	51,29
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	0,03	151,56	0,06	100,60
СУРХОНДАРЁ	1,32	141,70	0,37	85,23
ҚАШҚАДАРЁ	0,41	127,23	0,27	87,54
БУХОРО	0,59	114,33	—	—
Наманган	0,84	90,18	—	—
Республика бўйича:	0.94	135,53	0,30	80,96

* Маълумот аниқланган.

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА 6 ДЕКАБРЬ ЭРТАЛАБИГА ҚАДАР 5715695 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

● ЎТГАН КУНИ 14764 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ЎИЛГАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ХИРМОНИ 555679 ТОННАГА ЕТДИ.

ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан облаотлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил декабрь ойи биринчи беш кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Сурхондарё области. Бу область пахта тайёрлаш планини 97,11 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 4,11 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё областининг кўриқ Шеробод райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 107,99 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 4,83 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё областининг Термиз райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 102,10 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 4,66 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Фарғона области. Бу область пахта тайёрлаш планини 93,86 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 2,22 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё область Денов райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 82,03 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 6,37 процент ўсишини таъминлаган;

Қашқадарё областининг Кўкдала райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 93,91 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 4,19 процент ўсишини таъминлаган;

Қашқадарё область Қамаш районидаги Гагарин номли совхози. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 99,93 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 8,21 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» кўриқ совхози. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 93,37 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 14,62 процент ўсишини таъминлаган;

Қашқадарё область Косон районидаги Ленин номли совхози. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 90,98 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 7,31 процент ўсишини таъминлаган;

Самарқанд область Пайариқ районидаги «Коммунизм» колхози. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 100,04 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 9,70 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё область Термиз районидаги Ленин номли колхози. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 97,22 процент бажарган ва ингичка толали пахтани ҳисобга олиб, беш кунликда пахта тайёрлашнинг 8,30 процент ўсишини таъминлаган.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ МИРИШКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари партия XXVI съезднинг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира борib, мисли кўрилмаган қийин об-ҳаво шароитларида мўл пахта ҳосили етиштирдилар, пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга пахта сотиш планини 5 декабрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 600 минг тоннадан кўпроқ Қашқадарё «оқ олтин»и, шу жумладан, 160 минг тоннага яқин энг қимматли ингичка толали нав пахта топширилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 29,5 центнер бўлди.

Ғузор, Қарши, Қамашин, Китоб, Муборак, Нишон, Ульянов, Усмон Юсупов, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ районлари, 92 та колхоз ва совхоз, 2300 та бригада социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ҳосил йиғим-терими давом этмоқда. Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари 38 минг тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:

Қоракўл райони — район партия комитетининг секретари И. М. Барноев, район ижроия комитетининг раиси Р. А. Тожиев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Ч. Абдусаидов, райсельхозтехника бошқарувчиси У. Ҳамроев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи У. Усмонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Сайитов, район комсомол комитетининг секретари Д. Асроров.

Термиз райони — район партия комитетининг секретари Н. Ч. Норқобилов, район ижроия комитетининг раиси С. С. Саъдуллаев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Б. И. Бобомуродов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. М. Урозов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Х. Бойميров, район комсомол комитетининг секретари Р. Х. Чоршанбиев.

Китоб райони — район партия комитетининг секретари К. М. Мансуров, район ижроия комитетининг раиси Ф. Эшев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. Пўлатов, райсельхозтехника бошқарувчиси Т. М. Каримов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Элбоев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси З. Пўлатов, район комсомол комитетининг секретари Б. Ҳусаинов.

Чироқчи райони — район партия комитетининг секретари Т. Р. Тиллаев, район ижроия комитетининг раиси Б. Аҳмедов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. Усанов, райсельхозтехника бошқарувчиси У. Умаров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Бердиқулов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ж. Тангиров, район комсомол комитетининг секретари Д. Караманов.

СОВЕТ—АФҒОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

АДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси С. Мангал бошчилигидаги Афғон — Совет дўстлиги жамияти делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда.

6 декабрь куни делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Шу куни меҳмонлар Тошкент чинни заводига бордилар. СССР билан АДР ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланган куннинг беш йиллигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари Апрель революцияси вазифаларини амалга ошириш учун курашда афғон халқига янгидан янги муваффақиятлар тиладилар.

Митингда С. Мангал нутқ сўзлади. У ўз ватанига ҳар томонлама мадад бериб турганликлари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига, барча совет кишиларига самимий миннатдорчилик изҳор этиб, АДР жамоатчилари СССРнинг тинчликсевар сиёсатини маъқуллаётганлиги ва Америка ракеталарининг Ғарбий Европада жойлаштирилиши муносабати билан ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотига катта аҳамият бераётганлигини таъкидлади.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР, ТАЪСИРЧАН ПРОПАГАНДА УЧУН

Тошкентда Сиёсий маориф уйлари консультантларининг Бутуниттифоқ семинари ўз ишини давом эттирмоқда. Семинар қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида идеологик, оммавий-сиёсий иш самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилмоқдалар.

6 декабрь куни семинарда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг сектор мудири Н. Я. Клепач — «КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми партиявий ўқиш ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими услубини такомиллаштириш ҳақида», КПСС Марказий Комитетининг инструктори Ю. М. Хрусталев — «Сиёсий ўқишнинг қарши пропаганда йўналишини кучайтириш вазифалари ва йўллари» мавзуида доклад қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими секторининг мудири С. У. Сапаргалиевнинг, семинар бошқа қатнашчиларининг сиёсий таълимни ташкил қилиш ва унинг методикаси тўғрисидаги, пропагандист кадрлар билан ишлашни яхшилаш тажрибаси ҳақидаги ахборотлари ҳам тинглади.

Семинар қатнашчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар, у ерда Ленининг назарий меросини пропаганда қилиш соҳасидаги иш билан танишдилар.

Семинар программасига мувофиқ тажрибалар баҳам кўрилади. Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйининг фаолияти билан танишилади, Ўзбекистоннинг бир қанча партия ташкилотларида марксча-ленинча ўқиш, иқтисодий таълим ва пропагандист кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар ўрганиб чиқилади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: РАҲБАРЛИКНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ЭҲТИЁЖ ТАҚОЗОСИ

Ҳали ҳозиргача у ёки бу нарса харид қилиш учун магазинга кириб, кўпинча уни топа олмаймиз. Гоҳо одамлар: «Космик аппаратлар ясашни ўрганиб олганмиз, бу ерда бўлса ҳатто майда нарса ҳам сотувда йўқ», — дейишаётганини эшитиб қоламиз. Албатта, кайфият ҳам бузилади. Одамларнинг эътирози ҳам тушунарли.

Шуни айтиш керакки, республика коммунистлари халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида тобора кўпроқ ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Аввало, йирик корхоналарда кенг истеъмол буюмлари цехларини очишди. Бу — беш йилликнинг ўтган икки ярим йилида «Б» группа маҳсулотларининг ўсиш суръатини пландаги 116,7 ўрнига 122,6 процентга етказиш имконини берди. Шу муддатда планга қўшимча 700 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Буюмларнинг кўпгина тури бўйича энди камёблик сезилмайди. Бироқ бу ишнинг бошланиши, холос. Мамлакатдаги олти корхонанинг КПСС Марказий Комитети томонидан яқинда маъқулланган ташаббуси республикада кенг қўллаб-қувватланмоқда. Улар 1984—1985 йилларда юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишган эди. Бу ташаббусга қўшилиб беш йиллик охиригача планга қўшимча 1,8 миллиард сўмлик хилма-хил буюмлар ишлаб чиқаришни кўзламоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларининг, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг аҳолини зарур товарлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги кўрсатмалари бажарилишининг бориши ҳақидаги масала қараб чиқилган пленуми республикада кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишига янги суръат бағишлади. Ўзбекистон партия хўжалик активининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида кенг истеъмол буюмларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш учун тадбирлар белгиланди. Бу йилнинг ўзида жами 350 миллион сўмлик (чакана нархларда) кенг истеъмол буюмлари қўшимча равишда ишлаб чиқарилади. Уларни ишлаб чиқариш иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига қиёсан кўпайтирилади. Бугунги кунда бизда аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан 1100 саноат корхонаси шуғулланмоқда.

Аҳолининг, айниқса қишлоқда жадал ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бир неча йил муқаддам кичик шаҳарларда, район марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, жойларда йирик корхоналарнинг филиалларини қуриш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Учинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида бизда асосан халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқараётган тўрт юзга яқин ишлаб чиқариш бирлиги пайдо бўлди. Улар 660 миллион сўмликдан зиёд хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқарди. Филиалларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатдики, уларни барпо этиш учун катта капитал маблағлар талаб қилинмайди, ишлаб чиқариш қувватларини илдам ўзлаштириш таъминланади, бизда мавжуд ортиқча меҳнат ресурслари проблемаси ҳал этилади ва пировард натижада юксак иқтисодий самарадорликка эришилади.

Енгил саноатга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ўзбекистонда унинг салмоғига жами товар ишлаб чиқаришининг деярли тўртдан бир қисми тўғри келади. Кейинги икки йилда бу тармоқни ривожлантиришга деярли ярим миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. 416 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бу бутун ўнинчи беш йиллиқдагидан анча кўп. Фақат хом сурп ишлаб чиқариш қувватларининг ўзи 270 миллион метрга кўпайди.

Куч ва воситаларни юқори даражада марказлаштириш, ишни аниқ ташкил этиш туфайли ҳар бир тўқимачилик филиалини барпо этишга қоида тариқасида бир йилдан озроқ вақт кетади. Бу нормадагидан икки-уч маротаба кам. Фақат қурилишнинг норма муддатларини қисқартириш туфайлигина аҳоли кўп эҳтиёж сезаётган ўн миллионлаб сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

Бунга қандай эришдик? Республикада қадим-қадимдан ажойиб бир анъана — ҳашар ўтказиш одати бор. Бу ишга баҳамжиҳат бўлиб бир-бирига ёрдамлашиб киришишни билдиради. Худди мана шу ҳашар бизга тез қуришга ёрдам беради. Объектларни тиклашда республиканинг истисносиз барча қурилиш, сув хўжалиги, монтаж министрликлари ва идоралари иштирок этадилар. Одатда қурилиш майдонларида штаблар тузамиз. Уларни область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари бошқарадилар. Бу штаблар қурилиш-монтаж ташкилотлари ишини мувофиқлаштиради, ишга тушириш графигининг бажарилиши учун раҳбарлардан қаттиқ талаб қилади, қурувчиларнинг маиший шароити тўғрисида ғамхўрлик кўрсатади.

Филиаллар фақат халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришгагина ёрдам бермайди, балки қишлоқда ишчи кадрларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Улар ўн минглаб маҳаллий аҳоли хотин-қизларини, ўрта маълумотли ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этади. Масалан, тўқимачилик филиаллари ходимларининг 97 проценти — яқин атроф аҳоли пунктларида яшайди, уларнинг 80 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Партия ташкилотлари, совет органлари филиалларда зарур социал маиший шароитлар яратишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳамма жойда ошхоналар, медицина пунктлари, хотин-қизлар гигиенаси хоналари, душлар жиҳозланган, ишчиларни уйларига сменаларо элтиб қўйиш ташкил этилган. Ишчилар учун уйжой ва болалар муассасалари, дам олиш зоналари ва бошқа социал, маданий-маиший объектлар қурилмоқда. Бундай филиаллар қурилиши билан қишлоқ аҳоли пунктлари одамларининг кўз ўнгида ўз қиёфасини ўзгартирмоқда. Маҳаллий партия, совет ва комсомол органлари, министрликлар филиалларни кадрлар билан таъминлаш бўйича олиб бораётган катта ташкилотчилик ишига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Фақат сўнгги икки йилдагина оммавий касбдаги 20 минг ишчи тайёрланди. Уларнинг кўпчилиги ҳунартехника билим юртларида ва бевосита ишлаб чиқаришда касб ўрганишди. Ҳамиша бўлганидек, Москва ва Ленинград, Краснодар ўлкаси ва Олмаота, Киев ва Рига, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги турдош тўқимачилик корхоналари бизга бебаҳо ёрдам кўрсатишди.

Тўқимачилик филиалларини қуришда биз ниҳоясига етказилган технологик циклни вужудга келтириш йўлидан бормоқдамиз. Агар, айтайлик, Андижон областида 1981 йили иккита йигирув ва иккита тўқув филиали қурилган бўлса эндиликда йигирув филиалларига тўқув филиалларини қўшиб қуришди. Тўқув филиаллари ёнига эса йигирув филиаллари қурилди. Шундай қилиб йигирув-тўқув ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Бу газламалар таннархини кескин пасайтирди ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширди. Бизнингча бу йўл энг истиқболлидир.

Дарвоқе, Андижон области — филиалларни вужудга келтириш ташаббускори. Шу беш йилликнинг икки ярим йилида бу ерда йигирматадан кўпроқ филиал пайдо бўлди. Уларда беш ярим минг киши ишламоқда.

Область саноат потенциалини шундай жадал ривожлантиришда, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришда область партия комитетининг хизматлари катта. У қурилиш-монтаж ишларининг боришини муттасил назорат қилиб туради. Объектларни ўз вақтида ишга тушириш учун шаҳар ва район партия комитетларига, хўжалик раҳбарларига юксак талаблар қўяди.

Андижон ип-газлама комбинатининг директори С. Ниёзов хусусида ҳам яхши сўз айтмай ўтолмайман. У бош корхона ва тўққиз филиалда қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш учун кўп иш қилди. Икки йилда эса озмунча қувватлар ишга туширилмади. У йилига 135 миллион метр хом сурп ишлаб чиқара олади. Объектларни асбоб-ускуналар билан комплектлаш билан ҳам, ишчи кадрлар тайёрлаш билан ҳам, мутахассислар танлаш билан ҳам боғлиқ масалалар кўп эди.

Бажарилган ишларга муносиб баҳо бериб, ҳали ҳамма резервлар ҳам ишга туширилмаганлигини тушунамиз. Баъзи хил буюмларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмаётир. Уларни ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли пул даромадларининг ўсиши ўртасида номувофиқлик мавжуд. Айрим корхоналар, министрликлар ва идоралар белгиланган планларни бажармаётирлар. Бизда маданий-маиший ва хўжалик буюмларини кам ишлаб чиқараётган йирик оғир саноат ва машинасозлик корхоналари ҳам бор. Яқинда республика Енгил саноат министрлигини қаттиқ танқид қилдик. У аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқаришда етакчи роль ўйнашга даъват этилган. Бироқ тармоқда шундай корхоналар ҳам борки, уларда барпо этилган қувватлардан ҳануз тўла фойдаланилмаётир.

Маҳаллий саноат, Мева-сабзавот хўжалиги, Озиқ-овқат, Гўшт-сут ва Мебель саноати министрликларининг корхоналари ишида ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Аҳволни тузатиш чораларини кўрмоқдамиз. Айниқса, махсус цехлар, участкалар барпо этиш, ишлаб чиқариш чиқитларидан тўла фойдаланиш ва меҳнатнинг уйда бажариладиган формасини ривожлантириш йўлларига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Беш йиллик охиригача аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқаришни 35 процент, бундай буюмларни маҳаллий хом ашё ва чиқитлардан ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтиришни планлаштирмоқдамиз.

Республикада ҳозир 1600 дан ортиқроқ номдаги истеъмол буюмлари давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Эндиликда хўжалик раҳбарларининг бутун куч-ғайратини буюмларнинг турини савдо буюртмаси ва аҳоли эҳтиёжига биноан янгилашга ва ассортиментини яхшилашга қаратмоқдамиз. Айни пайтда биз енгил, маҳаллий, озиқ-овқат саноати, мева-сабзавот хўжалигининг бир қатор корхоналарида, айрим бошқа тармоқларда баъзан маҳсулот стандартлар ва техника шартлари талаблари бузилган ҳолда ишлаб чиқарилаётганлиги, эскирган моделлар ва конструкциялардан фойдаланилаётганлиги сингари ҳолатдан қаноат ҳосил қилмаётирмиз. Бундай буюмлар харидор кутиб савдо тармоқларида тўпланиб қолади. Ишни яхшилаш чораларини кўраётирмиз.

Партия ташкилотлари кучғайратини совет кишилари фаровонлигини оғишмай ошириш, юқори сифатли халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни тезроқ кўпайтиришга йўналтирмоқдамиз.

И. АНИСИМКИН,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

(«Правда», 6 декабрь).

◆ Нариманов шаҳрида бунёд этилаётган Тошкент мотор заводи ускуналарини монтаж қилиш ишлари белгиланган муддатдан ярим йил аввал бошланди. Бунда «Промжилводстрой» трестининг илғор қурувчи-монтажчиларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Қурувчилар корхонанинг биринчи навбати қурилишини 1984 йилда тугаллашга аҳд қилганлар. Суратда: кунлик план-топшириқларини 130—150 процентга бажариб келаётган илғор электр-пайвандчи Пиват Сирожиддинов.

Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) фотоси.

ЭНГ МУҲИМИ — МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

КОРХОНАДА БРИГАДА ПУДРАТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИТИ ВА ВЦСПСНИНГ САНОАТДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ БРИГАДА ФОРМАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ. ҚУЙИДА МАНҒИТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИДА БРИГАДА УСУЛИНИНГ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР БЕРАЁТГАНИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

Чигитдан тола ажратиб олиш — ғоят мураккаб жараён. Бунинг барча сир-асрорини чуқур билган корхона коллективи иш вақтидан унумли фойдаланиш, машина-механизмлар узluксиз ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини илғор технология асосида ташкил этиш туфайли меҳнат унумдорлигини тобора ошириш ва тола сифатини кескин яхшилашга эришмоқда.

Айниқса, заводда ўн йилдан буён ишлаётган тажрибали мутахассис, Ленин ордени нишондори коммунист Ёрназар Матризаев бошлиқ смена коллективи иши таҳсинга лойиқ. Коллектив ҳар сменада 200—220 килограмм вазндаги 95 та ўрнига 110—115 пахта тойи тайёрлаб, белгиланган топшириқларни муттасил ошириб ado этаётир.

— Бу ютуқларга биз ишда бригада пудратини кенг жорий этганимиз туфайли эришяпмиз, — дейди бригада бошлиғи биз билан суҳбатда. — Ҳаммамиз баравар ишга киришамиз. Бор-ю, бирор ишчи ўз ишига салгина бепарво қараса, бутун коллектив меҳнати бекорга кетишини, механизмлар ишида барака бўлмаслигини яхши биламиз. Масалан, корхона бўйича иш бир соат тўхтаб қолса 150 — 200 минг сўмлик маҳсулот бой берилади, деган гап. Ёки пахтани жин машинасига узатиб берувчи ишчи озгина ҳафсаласизлик қилса машина арралари синиши, маълум процент тола чигит билан қўшилиб чиқиб кетиши, ҳатто тола пресс вакуумидан тошиши мумкин.

Бунинг учун бригадада ҳамма бир меҳёрда ишлаши, интизом учун мунтазам кураш олиб бориши керак бўлади, албатта. Зеро, жин машинаси мастери Собир Аҳмедов, оддий ишчи Карима Ўразбоева, пресс цехи мастери Болтабой Абдиев, линтерчи Жумамурот Матназаров, той пахта ўрами тўқувчиси Айман Сафарова, созловчи Раимбой Жабборов сингари коммунистик меҳнат зарбдорларининг қай бири билан суҳбатлашманг, ана шундай масъулият, интизом ва кураш ҳақида сўз бошлайдилар.

Шу боис бригадада қисқа вақт ичида брак маҳсулот ишлаб чиқаришга чек қўйилди, сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Ўтган ўн бир ойлик план 105,5 процент ado этилди, пландан ташқари 200 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, меҳнат унумдорлиги белгиланганидан 0,5 процент ошди. Маҳсулот таннархи 4,5 процент камайди.

Бундай бригадалар Манғит пахта тозалаш заводида ягона эмас. У билан мусобақадош Каримжон Худойберганов, Иўлдош Ўтамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам белгиланган планлар топшириқлар муттасил ошириб бажарилмоқда. Тайёрланаётган тола сифати яхшиланиб, истеъмолчилардан келиб турувчи эътирозномаларга барҳам берилди.

Самара ёмон бўлмаяпти. Йилнинг ўтган даврида тола ишлаб чиқариш пландаги 11700 тонна ўрнига 12132 тонна қилиб бажарилди, линт тайёрлаш топшириғи 103,35 процент ado этилди. 104,70 процент тайёр маҳсулот реализация қилинди. Натижада завод коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини шу йилнинг ўтган уч кварталида ҳам қўлга киритиб келяпти. Яқинда коллектив СССР Енгил саноат министрлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг ҳам Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Айни кунларда байроқдор корхонада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби деган номга яраша меҳнат қилиш беллашуви қизғин давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Саноатда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан руҳланган пахта тозаловчилар меҳнат унумдорлигини бирмунча юксак, суръатлар билан оширишга, иш вақтининг зое кетишини камайтиришга, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаб сарфлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

К. ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг катта экономисти.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ТАСС Баёноти

Қўшма Штатлар Яқин Шарқда қуролли аралашувни кучайтириш йўлидан бориб, Ливанда яна ваҳшиёна агрессив хуруж қилди.

АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг авианосецларида жойлашган бир неча ўнлаб бомбардимончи-қирувчи самолётлар тоғли Ливаннинг бир қанча районларини, шу жумладан, Ливан миллий ватанпарвар кучларининг ва шу мамлакатда тинчликни сақлаб турувчи араб мамлакатлариаро кучлар составига кирувчи Сурия қўшинларининг позицияларини шиддатли бомбардимон қилди. Америка авиациясининг ҳеч бир сабабсиз қилинган мана шу ҳужуми Ливандаги ва унинг атрофидаги вазиятни қасддан кескинлаштириш, АҚШнинг Сурияга қарши агрессив ҳаракатларини янада кенгайтириш учун бир баҳона топиш мақсадида амалга оширилганлиги равшандир.

Ана шу кейинги бандитларча ҳужум ва арабларга қарши Вашингтон билан Тель-Авив тузган олисни кўзловчи «стратегик тил бириктириш» ўртасида бевосита алоқа борлиги кўриниб турибди. Президент Рейганнинг Исроил раҳбарлари билан яқинда олиб борган музокаралари чоғида ана шу тил бириктириш расмийлаштирилган эди. Аслида Америка авиациясининг ҳужуми АҚШ билан Исроил биргаликда амалга ошираётган операциянинг бир қисмидир. Уларнинг бундан мақсади ливанликларга ўзларининг туб манфаатларига зид бўлган тарзда низони бартараф этишни тиқиштиришдан иборатдир. Айни АҚШ билан Исроил ўз хатти-ҳаракатлари билан Ливанда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида шу пайтгача риоя этиб келинган битимни барбод этдилар, зотан, бунинг оқибатлари учун бутун жавобгарлик улар зиммасига, уларнинг ҳукумати зиммасига тушади.

Американинг агрессив хуружи Вашингтон билан Тель-Авив Яқин Шарқда тинчлик ва осойишталик сақланиб қолишидан манфаатдор эмасликларини, улар мана шу бутун районни ўзининг ҳарбий-сиёсий контроллигига бўйсундиришни истаётганликларини яна бир бор яққол тасдиқлаб турибди. АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Яқин Шарқ ишларида «холис воситачи» никобини узил-кесил олиб ташлаб, Исроилнинг босқинчилигига ва АҚШнинг ҳукмронлигига қаршилик кўрсатаётганларга нисбатан ҳарбий куч билан тазйиқ ўтказиш йўлидан ошкора бормоқда.

АҚШнинг янги агрессив хуружи Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қилинган даъдаға бўлиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ливан суверенитетини қайта тиклашга, унинг мустақиллиги ва территориал бутунлигини таъминлашга қаратилган қарорларини қўпол равишда бузишидир.

Совет Иттифоқи ана шу агрессив ҳуружни қатъиян қоралаб, ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган, Яқин Шарқ можаросини бартарф этишнинг асоратли шартларини уларга зўрлик билан тиқиштириш йўлида Америка — Исроил уринишларига қарши курашаётган Ливан, Сурия ва бошқа араб мамлакатларининг халқлари билан бирдам эканлигини билдиради.

АҚШ ҳукумати Американинг Ливандаги қуролли аралашуви, АҚШнинг Сурияга қарши агрессив ҳаракатлари Яқин Шарқдагина эмас, шу билан бирга бошқа районларда ҳам тинчликка жиддий хавф солаётганлигини билиб қўйиши керак.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

СОФИЯ. 5 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси очилди.

Мажлис БХР халқ мудофаа министри, армия генерали Д. Журов раислигида ўтмоқда.

Мажлисда ВХР мудофаа министри, армия генерали Л. Цинеге, ҒДР миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофман, ПХР миллий мудофаа министри, армия генерали Ф. Сивицкий, РСР миллий мудофаа министри генерал-полковник К. Олтяну, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, ЧССР миллий мудофаа министри, армия генерали М. Дзур иштирок этмоқдалар.

Мажлисда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари штабининг бошлиғи, армия генерали А. И. Грибков ҳам иштирок этмоқдалар.

ЛИВАНДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Араб мамлакатлари, бутун дунёнинг тараққийпарвар жамоатчилиги Америка ҳарбийларининг Ливандаги бандитларча ҳаракатларини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар. Вашингтон араб халқларига қарши Исроил агрессиясининг шериги сифатида ўзини батамом фош қилиб қўпол куч ёрдамида Яқин Шарқ халқларини ўз ҳукмига бўйсундиришга интилмоқда.

● ДАМАШҚ. Қўшма Штатларнинг қароқчилигига қарши Сурия шаҳарларида «Америка империализми билан Исроил сионизмининг фитнасига йўл қўймаймиз!» «АҚШ региондан жўнаб қол!» шиорлари остида оммавий митинглар ва норозилик намойишлари ўтказилмоқда. Намойишларнинг қатнашчилари Америка ҳаво қароқчиларининг Ливандаги тинч аҳоли пунктларига, Ливанда тинчликни сақлаб турувчи араб мамлакатлариаро кучлар составидаги Сурия қисмларининг позицияларига қилган ҳужумлари муносабати билан қаҳр-ғазаб билдирмоқдалар.

(ТАСС).

УИДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

НИҚОБДАГИ РЕЖА

Англиялик ёзувчи Ж. Оруэлл «1984» асарида ҳарбийлаштирилган давлатдаги ҳар қандай кўрсатмани сўзсиз бажарадиган, ақл билан эмас, буйруқ билан ишлайдиган темир одамлар, яъни роботлар сиймосини тасвирлайди. Инсонларни роботга айлантириш учун мамлакат ҳукмдори ёлғон ва туҳматни давлат сиёсати даражасига кўтарган. Мазкур асар яратилганига 30 йилдан кўпроқ вақт бўлди.

Мана, биз 1984 йил бўсағасидамиз. Ёзувчининг бадиий тўқимаси, агар бир вазиятни ҳисобга олмасак, шу кунларда АҚШда ҳақиқатга айланиб қолди. Назарда тутилаётган вазият шуки, Америка меҳнаткашлари роботга айланганлари йўқ, айланмайдилар ҳам. Минглаб америкаликлар ақл-идрок билан иш юритяптилар, ҳаёт кечиряптилар. Аммо 1981 йилнинг январида мамлакат жиловини қўлига олган президент Р. Рейган ва унинг маъмуриятига робот лар жуда керак бўляпти. Бунинг учун улар ўз ватандошларини роботга айлантириш учун «1984» романи саҳифаларида тасвирланган услублардан ҳам даҳшатлироқ, яъни аҳолини ваҳимага солиш услубини оммавий тарғибот ва ташвиқот воситалари ёрдамида тинмай амалга оширяптилар.

Аслида буржуа тарғиботташвиқот воситалари учун аҳолини васвасага солиш услуби янгилик эмас. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ буржуа сиёсатдонлари ўйлаб топган сохта «қизил хавф»ни доҳиймиз В. И. Ленин изоҳлар экан, иложи борича аҳолини кўпроқ қўрқитиш, бутун имконият билан ваҳимага солиш, алдаш, туҳмат қилиш буржуа матбуотининг асосий шиоридир, деган эди.

Буржуа тарғибот ва ташвиқот воситаларининг бундай жирканч иш услуби Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги президенти Р. Рейган ва унинг маъмуриятига шу кунларда ниҳоятда қўл келяпти. Жумладан, мудофаа министри Каспар Уайнбергер: «Мен Пентагонга келган вақтимда бизга зарур бўлган ҳеч нарса йўқ эди. Президент ва мен ўзимизни худди қамалдаги ороллга тушиб қолгандек ҳис этдик», деб ўз мамлакати аҳолисига ёлғон гапирди.

Ҳақиқатан ҳам АҚШ ҳарбий кучларининг аҳволи мудофаа министри ва президент айтганчалик аянчли аҳволдамиди? Йўқ, албатта. Буни америкалик машҳур сиёсатдонларнинг айтганлари ва ёзганлари ҳам исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда АҚШ 32 та хорижий мамлакатда ўз ҳарбий истеҳкомларига эга. 1982 йилнинг ўзида ана шу ҳарбий истеҳкомлардаги қуролли кучлар сафига яна 30 минг нафар аскар қўшилди. Шунча миқдордаги қуролласлаҳа, қўшин кимга қарши қаратилганлиги ҳам сир эмас.

Буржуа тарғибот ва ташвиқот воситалари тинмай сохта ахборот тарқатишга, аҳолини соцалистик тузумга қарши руҳда гиж-гижлашига, президент Р. Рейган ва унинг маъмурияти ёлғонни давлат сиёсати даражасига кўтарганликларига қарамай, америкаликларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи ўзига қарши тайёрланаётган мудҳиш жиноятга бефарқ қараб туриши мумкин эмаслигини тушунадилар. Афсуски, жаҳон меҳнаткашларининг умидларини йўққа чиқариш учун президент Рейган маъмурияти ҳар қандай қабиҳликдан жирканмаяпти. Бунинг сабаби бор, албатта. Америкалик генерал Жон Першинг (Першинг ракетаси унинг номи билан аталади — **ред**). 1917 йили Францияга келтирилган ўз қўшинига қарата: «Биз бу ерга европаликларни ҳимоя қилгани эмас, америкаликларни, ўзимизни ҳимоя қилгани келганмиз. Шуни унутмангки, Американинг ҳарбий мудофаа чизиғи Европа ерларидан ўтади. Американкадан бўлак ҳамма нарсани унутинг!» деганди. Президент Р. Рейган эса яқиндагина очиқдан-очиқ: «Европа қирғоқлари — бизнинг қирғоқларимиз, Европа чегаралари — бизнинг чегараларимиз», деб эълон қилди. Президент бу билан европаликлар гамини еяпти, деб ўйлаш калтабинликдир. Ҳеч кимга сир эмас, биринчи жаҳон урушида АҚШ Европада жанг олиб борди. Иккинчи жаҳон урушида ҳам шундай бўлди. Ҳар иккала жаҳон урушида Америка заррача шикаст кўрмади. Ҳозир бор имкониятини ишга солиб, учинчи жаҳон урушига тайёргарлик кўраётган президент Р. Рейган ва унинг маъмурияти яна Европа мамлакатлари ер билан яксон бўлиши, аммо Америка омон қолиши тўғрисида режа тузяптилар. Уларнинг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини НАТО ҳарбий иттифоқига аъзо бўлган давлатларга ўрнатишни қаттиқ туриб талаб қилишдаги асосий мақсадларининг сири ҳам ана шундадир.

Лекин, шуни унутмаслик керакки, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов Баёнотида таъкидланганидек, Америка ракеталарининг Европа ерида жойлаштирилиши билан Европанинг хавфсизлиги мустаҳкамланмайди, балки АҚШ Европа халқлари бошига фалокат солиши реал хавфи кучаяди.

М. РИХСИЕВ.

Самарали ҳамкорлик

ДЕҲЛИ, 6 декабрь. ТАСС мухбири С. Сичев хабар беради: «Бизлар Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Ҳиндистон савдо министрлигининг секретари В. М. Коль. —Бу Ҳиндистон — Совет иқтисодий ҳамкорлигининг энг муҳим формаларидан биридир».

СССР, — деди В. М. Коль, — Ҳиндистоннинг энг катта савдо шериги дир. Ҳозирги вақтда иккала мамлакат ўртасидаги товар обороти тахминан 30 миллиард рупияга етади. Биз Совет Иттифоқидан нефть ва нефть маҳсулотлари, станоклар, асбоб-ускуналар, ўғит, рангли металлар харид қилмоқдамиз. Ўз навбатида Ҳиндистон чой, кофе, газлама, жун ва жундан тўқилган буюмлар, тамаки, дори-дармон, машинасозлик маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, биз Совет Иттифоқига экспорт қилаётган маҳсулотнинг қарийб 60 проценти анъанавий бўлмаган ёки қайта ишлайдиган саноатнинг биз учун янги бўлган турлари ҳиссасига тўғри келмоқда, деб уқтирди В. М. Коль. Бу эса СССР билан савдо-сотиқ қилиш хўжаликнинг янада истиқболли тармоқларини ривожлантиришда Ҳиндистонга кўмаклашаётганлигидан далолат беради.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

* * *

Андижонлик Е. Тожибоев ўз хатида шаҳардаги «Автотехобслуживание» бошқармасида хизмат кўрсатиш талаб даражада эмаслиги тўғрисида ёзган эди.

Ушбу шикоят юзасидан текшириш ўтказган **АНДИЖОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** йўллаган жавобда айрим фактлар тасдиқлангани маълум қилинади.

Андижон «Автотехобслуживание» бошқармаси буйруғига кўра, хизмат кўрсатишда қўполликка йўл қўйгани учун мастер У. Соқиевга ҳайфсан эълон қилинди ва унинг хатти-ҳаракати маҳаллий комитет мажлисида муҳокама қилинди.

* * *

«Колхозимиз раҳбарлари турли баҳоналар билан колхозчилар ҳақидан ушлаб қолмоқдалар. (Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхознинг бир группа аъзолари мактубидан).

ҒАЛАБА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ шуни маълум қиладики, колхознинг молиявий-хўжалик фаолиятида камчиликларга йўл қўйганликлари учун колхоз раиси Д. Бойбўтаевга, бош бухгалтер Х. Ҳайдаровга район партия комитети бюроси қарорига мувофиқ ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Ушлаб қолинган 34438 сўм пул колхозчиларга қайтариб берилди.

БАЛЛИ, ҚАШҚАДАРЁЛИК ЗАРШУНОСЛАР

6000000

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ 600 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАБ, ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР. УЛАР ЯНА 38 МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШГА АЗМУ ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.

УЮШҚОҚЛИК, ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Р. ҒОЙИБОВ,
Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари

Қашқадарё область коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини, айниқса, қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан юксалтиришга эришмоқдалар. Область саноати, капитал қурилиши, транспорт ва алоқа,, хуллас халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ривожланаётир. Ўтган ўн бир ойда 960 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти реализация қилинди. Капитал қурилишда ҳам янгидан янги зафарларга эришилди.

Ғаллакорлар бу йил давлатга 169 минг тонна дон сотиб, йиллик планни ошириб адо этдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Колхоз ва совхозларда гўшт, тухум, қоракўл тери ва жун тайёрлаш йиллик планлари ортиғи билан уддаланди. Шунингдек, пилла, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасида белгиланган план-топшириқлар ҳам ортиғи билан бажарилди.

Қўриқ ўлка заршунослари, айниқса, мўл ҳосил етиштирдилар. Йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани ошириб бажарилди. Она-Ватан хазинасига 600 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотилди. Область тарихида биринчи марта шунча катта миқдорда пахта тайёрланди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 29,5 центнерга тўғри келмоқда. Пахтанинг қарийб 70 проценти биринчи сортларга топширилди. Давлатга пландаги 125 минг тонна ўрнига 160 минг тонна қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган ингичка толали пахта сотилди.

Бу йилги ҳосил осонликча етиштирилгани йўқ. Бунга катта маблағ, куч-ғайрат сарфладик. Табиат пахтакорларимизнинг иродасини қайта-қайта синовдан ўтказди. Лекин улар қийинчиликларга ўзларининг сабот ва матонатларини, билим ва тажрибаларини қарама-қарши қўйдилар. Катта майдонларда қайта чигит экишга тўғри келди. Ҳали ўзини ўнглаб олмаган мурғак ниҳоллар ўта қаттиқ иссиққа дуч келди. Устига-устак Кўкдала, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Шаҳрисабз ва Китоб районлари ёзда сув танқислигига учради. Мазкур районларда сув таъминоти 40 процентдан ошмади. Ёзда рўй берган иссиқ гармсел баъзи колхоз ва совхозларда ғўзани қовжиратиб, ҳосил тугунчаларининг тўкилиб кетишига сабабчи бўлди. Бироқ ишбилармон деҳқонларимиз коллектор ва артезиан қудуқлари сувларидан фойдаландилар. Ғўзанинг чанқашига йўл қўймадилар.

Қийинчиликларни матонат билан енгишга одатланган чўлқувар пахтакорларимиз, моҳир механизатор ва тажрибали сувчилар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари партия ташкилотлари раҳбарлигида пўлат ирода ва тадбиркорлик билан иш юритдилар. Ҳар бир юмушда агротехника қоидаларига таянилди. Дала ишларида чинакам қатъият ва уюшқоқлик кўрсатилди. Илм-фан, илғор тажриба ютуқларидан дадиллик билан фойдаландик. Шундай қилиб, область хўжаликларида кўзланган миқдорда мўл ҳосил етиштириш таъминланди.

Область партия комитети пахта ҳосилини нобуд қилмай териб олиб, давлатга 638 минг тонна «оқ олтин» сотишни мўлжаллаб, йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирларини белгилаган эди. Пахта йиғим-терими ана шу тадбирлар асосида зўр уюшқоқлик билан давом эттирилди. Катта хирмон учун курашнинг ҳал қилувчи палласида республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ғоят муҳим сафарбар этувчи роль ўйнади. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишни кучайтириш мақсадида далаларда меҳнат беллашуви — социалистик мусобақа кучайтирилди.

Пахтазорларда 3,5 мингта терим машинаси ва бошқа техника воситалари унумли ишлатилди. Кўплаб хўжаликларда оилавий экипажлар ташкил этилди. Бугунги шодиёна кунда биз ҳар бир машинада 250—300 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта терган Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мастура Файзиева, Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли совхоздан Аваз Давлатов, Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозидан Тамара Турсунова, Мирон Бердиев, Баҳористон районидаги «ВЛКСМ XVII съезди» совхозидан Холмурод Ражабов, Муборак районидаги 31-совхоздан Шерниёз Отаниёзов, Ғузор районидаги Куйбишев номли совхоздан Фармон Саноқулов каби дала гвардиячилари номини чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Пахтакорларга ҳамма мададкор эканлиги долзарб кунларда кўзга яққол ташланди. Қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамга келган Деҳқонобод чорвадорлари, Қарши, Шаҳрисабз, Муборак ва бошқа шаҳарларнинг, район марказларининг ишчи ва хизматчилари пахтазорларда жонбозлик, сабот ва матонат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Қашқадарёнинг 638 минг тонналик, республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмонини яратиш барча халқимизнинг виждон амри, муқаддас бурчига айланди. Ҳозир пахтазорларда 205 мингдан зиёд киши этак боғлаб, «оқ олтин» термоқда. 785 та кўсак узиш агрегати, 500 дан зиёд машина юксак унум билан ишлатилмоқда. Бу эса катта қийинчиликлар билан етиштирилган мўл ҳосилнинг сўнгги қисмини ҳам сира нобуд қилмай йиғиб-териб, мамлакат омборига топширишни таъминлаши шубҳасиз.

Қашқадарёнинг дастлабки юксак хирмонига воҳанинг барча районлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, Қарши, Нишон, Ульянов, Усмон Юсупов, Муборак, Ғузор, Китоб, Яккабоғ, Қамаши ва Чироқчи районлари пахтакорларининг ғайрат-шижоати таҳсинга сазовордир. Кўплаб колхоз ва совхозлар пахта тайёрлашда қувончли натижага эришдилар. Қатор хўжаликлар гектаридан 40—45 центнердан хирмон кўтаришди. Булар ичида Қарши районидаги «Москва», «Ленинизм», Собир Раҳимов номли, Нишон районидаги «Гулбоғ», Усмон Юсупов номли, Сальвадор Альенде номли, Ульянов районидаги «Партия XX съезди», «III Интернационал», Дзержинский номли, Баҳористон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди», Косон районидаги Энгельс номли, Муборак районидаги 31-, Ғузор районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» Китоб районидаги Навоий номли совхозлар, Шаҳрисабз районидаги «Гулистон», Энгельс номли, «Коммунизм», Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Партия XXIV съезди», Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» ва «СССР 50 йиллиги» колхозлари бор.

Ўнлаб бригадалар гектаридан 50—60 центнердан пахта етиштириш учун ташаббускорлик билан кураш олиб бордилар ва ана шу мақсадга эришдилар. Область ва район партия комитетлари бундай ташаббускор, илғор коллективларнинг ватанпарварлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, кенг оммалаштиришга жиддий эътибор бердилар. Шундай машъал коллективлардан Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкамой Ҳазратқулова, Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомат Алматов, Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳматилла Тўраев, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозидан Мардон Мавлонов, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоздан Аҳмад Бердиев каби ўртоқлар бошлиқ бригадалар заршунослари гектарлар самарадорлигини ошириб, пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Дастлабки довон муваффақиятли эгалланди. Бироқ олдимизда социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажариш, бир мисқол пахтани ҳам ерда қолдирмай жамғариб олиш, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариш, келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарликни кучайтириш ва чорва қишловини ҳар томонлама намунали, бечиқим ўтказишдек катта вазифалар турибди.

Қашқадарё чўлқуварлари, барча меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари асосида иш тутиб, бу вазифаларни ҳам муваффақиятли ҳал этадилар. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида бундан кейин ҳам мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қиладилар.

Областнинг осмонўпар хирмони минг-минглаб пахтакорларнинг мардона меҳнатлари эвазига қад кўтарди. Жамоатчи фотомухбиримиз М. Комилов жойларда бўлиб, пахтазор шунқорларини суратга олиб қайтди. Суратларда: 1. Кўкдала районидаги Охунбобоев номли совхознинг илғор ишчиси Муқаддас Зулфиқорова. У кўплаб ҳамкасблари қатори Нишон районидаги 32-совхозда пахта териб кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. 2. Усмон Юсупов районидаги 24-совхознинг бригадир-механизатори Нурали Авлиёқулов. У ўз агрегати билан 250 тонна дурдона теришга эришди. 3. Ғузор районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг чевар теримчиси Зулфия Эшқобилова. У мавсумда 10 тонна «оқ олтин» терди.

ВАЪДАГА ВАФО

Механизаторлик ҳам шарафли, ҳам машаққатли касб. Чунки қишлоқ хўжалигидаги асосий юмушларни ана шу касб эгалари бажаришади. Эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, чигит униб чиққач, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, кузакда тонна-тонна «оқ олтин» теришнинг ҳаммаси механизаторлар зиммасига тушади.

Хўжалигимиз қўриқ ерда жойлашган. Шу туфайли бизда ишчи кучи ниҳоятда оз. Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини «зангори кема»лар ёрдамида саранжомлаб олишга тўғри келади. Буни биз, механизаторлар яхши биламиз. Машаққатли меҳнатимиз эвазига етиштирилган мўл ҳосилнинг бирор мисқолини ҳам ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилдик ва пировард натижага эришдик.

Мен ўзим бу йил мавсумда 320 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олгандим. Сўзимнинг устидан чиқиш учун ҳаракат қилдим. Ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, кунига эл хирмонига 7-8 тоннадан «оқ олтин» териб тўкдим ва мажбуриятимни шараф билан 350 тоннага етказиб бажаришга эришдим.

Р. ИРИСОВ,
Муборак районидаги «Партия XXVI съезди» совхозининг механизатори.

ТАБРИКНОМА

Чекилган заҳматлар, тўкилган терлар
Бесамар кетмади ҳавога учиб.
Оловқалб жувонлар, шербилак эрлар
Бахтдан шодон бугун ғалаба қучиб.
Ўтмиш бўлиб қолди чарчоқ, армонинг,
Зафаринг муборак, Бободеҳқоним!

Ер-кўкни тутса-да карнай садоси,
Бошингга ёғса-да табрик, олқишлар.
Бироқ тинчимайсан, юртим фидоси,
Даламда пахтам кўп, чала деб ишлар
Яна олға босар пахта карвонинг,
Зафаринг муборак, Бободеҳқоним!

Олқишим, таҳсиним туганмас сенга,
Кўкўлар хирмонинг... ақллар шошар.
Доим илҳом бўлгин, куч бўлгин менга,
Юракдан сенга мен бағишлай ашъор.
Ҳамиша олдда бўл, ҳақи ҳаққоним,
Зафаринг муборак, Бободеҳқоним!

Турсунбой ОЧИЛОВ.

ТИНЧЛИК-ИДЕАЛИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВ БАЁНОТИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Иброҳим РАҲИМ

ҲАМИША ҲУШЁР ТУРАМИЗ

Америка империализминнинг айби билан, ҳарбий агрессив НАТО айби билан Европада хавфли вазият пайдо бўлди. Янги уруш хавфи туғилди. Ракета-ядро урушининг қўланса ҳиди бурқсаяпти.

Биз уруш кўрган одамлар уруш нималигини биламиз!

Мен Улуғ Ватан урушидан ҳам олдин жангларда иштирок этганман. Масалан, 1939 йили Ғарбий Белоруссия билан Ғарбий Украинани озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашдим.

Кейин 1939—1940 йиллари оқ финларга қарши урушда Маннергейм истеҳкомларига штурмда иштирок этдим. Улуғ Ватан урушида эса, бошидан охиригача — ғалабагача фашизмга қарши жанг қилдим.

Урушнинг ҳамма бало-қазоларини ўз кўзим билан кўриб келганман. Аммо янги уруш чиққудай бўлса бу — уруш эмас, ҳалокат деган гап. Янги уруш — ракета-ядро уруши бўлади. Унинг алангасида ер юзи куйиб кул бўлади. Бундай ҳалокатнинг олдини олиш энг муҳим зарурат бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг Баёноти ана шу ракета-ядро уруши хавфига қарши қаратилган тадбирдир.

Маълумки, биз Европада ракета-ядро қуроллари жойланишига қарши эдик ва бу хил қуролларни битириш ёки камайтириш тарафдори эдик. Шу мақсадда Женевада Америка Қўшма Штатлари билан йиллаб музокаралар олиб бордик. АҚШ бошданоқ музокараларни боши берк кўчага бурди. Музокараларни атайлаб чўзди-да, Европада Америка ракета-ядро қуролини ўрнатишгача судраб келди. Музокараларни давом эттиришни беҳуда ишга чиқариб қўйди. Совет ҳукумати бу ҳақдаги музокараларни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

«Першинг-2» ва «қанотли ракета» деб аталмиш қуроллар қанақа қурол ва уларни Европада ўрнатилишининг хавфи нимада?

Бу ракеталар тез учади. Паст учади. 6 минутда Европадан бизнинг бошимизга бало бўлади. Унга қарши курашиш қийин бўлади. Бу билан Америка бизни кўркитмоқчи. АҚШ бу ракеталарни биқинимизга тўппонча қилиб қўйишдан кўзлаган мақсади бор.

Биринчидан, АҚШдан туриб отадиган ракеталарининг ишини шу ердаги першингларга топширмоқчи. Уларнинг ўти билан бизни қуролсизлантириб қўйиб мақсадига эришмоқчи.

Бизнинг ҳукуматимиз уларнинг бу ёвуз ниятларига қарши тадбирлар кўряпти. Улар нималардан иборат?

ГДР, Чехословакияда ракеталар комплекси ўрнатилади. Бу ракеталар Европадаги душман объектларига уларнинг першингидан кўра анча тез етиб боради. Чунки улар душман биқинига тақаб қўйилади. Керак бўлган пайтда душманнинг кўзини очирмай қўяди.

Бу тадбирлар АҚШнинг хуружига жавоб тариқасида қилинаётган тадбирлар бўлиб, урушнинг олдини олишга қаратилган, тинчликни таъминлаш учун қилинган тадбирлардир.

Биз ёзувчилар барча совет кишилари қатори, Совет ҳукуматининг бу тадбирларини қўллаб-қуватлаймиз, қўлимиздан келганича уларни амалга оширишга хизмат қиламиз! Империалистларнинг ядровий найрангларига қарши ҳамиша ҳушёр турамиз!

ХАВФ-ХАТАР ДАФ ЭТИЛСИН

Бизлар ҳеч кимни уруш билан қўрқитмаймиз, бироқ мамлакатимиз остоналарида империалистлар ажал қуролини жойлаштириб, бунёдкорлик меҳнатимизга хавф солар эканлар, биз зарур чоралар кўришга мажбурмиз. Бу ҳозир вужудга келган вазиятда бирдан бир тўғри тадбирлардир. Бу тадбирлар бизларни ва иттифоқчиларимизни хавф-хатардан ҳимоя қилишга, тинчликни таъминлашга қаратилган.

Социализм ва тинчлик ажралмасдир. Бизлар ҳаётнинг барча жабҳаларида меҳнат аҳлининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилинаётган жамиятни бунёд этмоқдамиз. Шунинг учун ҳам биз ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида талаб қилинганидек, ядро уруши хавфини даф этиш учун, Ватанимиз кучқудратини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қиламиз.

Робия СУЛТОНХОНОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

ОНАЛАР ТИЛАГИ

Уруш даҳшати менинг ҳам тинкамни қуритган. Отасиз ўсишимга сабаб бўлган. Унинг машаққати кўплар қатори мени ҳам азоблаган. Эндигина рўшнолик кўриб, шод-ҳуррам яшаймиз, деб турганда АҚШ ҳукумати беэбетларча турлитуман бўҳтонларни, ҳийла-найрангларни рўкач қилиб уруш чиқармоқчи бўляпти. Ахир мен онаман-ку. Беш ўғилни вояга етказгунча озмунча қийналдимми? Улар эндигина вояга етишди. Икки ўғлим Совет Армияси сафида хизмат қилишди. Биттаси яқинда бағримга қайтиши керак... Бири Ленинградда ўқияпти. Яна бири Тошкентда таҳсил кўряпти. Энг кенжаси 2-синфга қатнаяпти. Хуллас, ҳозирги пайтда ҳам шу жигаргўшаларим деб меҳнат билан кун ўтказяпман. Йигирма йилдан ошди, совхоз касалхонасида ошпаз бўлиб ишлаб келаман...

Ўтган шу давр ичида қандай ўзгаришлар бўлганини айтиб адо қилиб бўлмайди. Биз умр йўлдошим билан Мирзачўлга 1962 йилда келган эдик. Эрта баҳор эди ўшанда. Атроф кенг дала. Палаткаларда, вагонларда яшадик. Партия ва ҳукуматимизнинг беқиёс ёрдами туфайли тез орада янги қуриб берилган уйларга кўчиб ўтдик. Кўплар қатори эл хизматини адо этиб ўз ҳаётимизни йўлга солдик.

Пахтакорларимиз тер тўкиб, самарали меҳнат қилиб катта обрў-эътиборга сазовор бўлдилар. Ажойиб меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда Ленин ордени нишондори Эгамберди Ботиров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоғай Идиқулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат Минавар Мирбобоевалар билан фақат биз эмас, бутун эл-юрт фахрланса арзийди. Уларнинг ҳам фарзандлари ҳозир Ватан, халқ хизматига ярашишмоқда...

Бас, шундай экан, бизларга, бутун ер юзи халқига, Ватанимиз осмонига тинчлик керак! — деб баралла хайқирамиз. Бутун оналар шуни истайдилар.

Румия ЎРОЗМАТОВА,
Сирдарё область, Ильич районининг «Правда» совхози марказий касалхона ошпази.

Бунёдкорлар жавоби

Ҳозирги мураккаб халқаро шароитда миллионлаб кишилар урушга қарши ягона куч бўлиб бирлашмоқдалар. Яшаш жойи ва шароити, миллати ва тили, урф-одати ва ранги хилма-хил одамлар: «Йўқолсин ракеталар», «Урушга йўл қўймаймиз!», — демоқдалар. Келажак олдидаги жавобгарлик, она-Ер олдидаги масъулият ҳисси бошқа ҳар қандай манфаатдан устунлик қилмоқда.

Тинчлик учун курашувчиларнинг илғор отряди совет кишиларидир. Уларнинг кичик бир бўлаги республикамиздаги бўлажак индустриал шаҳар — Маржонбулоқда эканлиги қалбларни фахр ва ифтихор ҳислари билан тўлдирмоқда. Бугунги кунда ҳар бир килограмм пахта, ҳар килограмм дон ва янги бинога муддатидан аввал қўйилган ҳар дона ғишт тинчликка, социалистик Ватан қудратига қўшилган муҳим ҳисса эканлигини англаган қурувчилар ажойиб ташаббус билан чиқдилар.

«Джизакстрой» трестига қарашли 218-кўчма механизациялашган колоннанинг КПСС аъзолигига кандидат Тожибой Хўрозов бошлиқ монтажчилар бригадаси аъзоларини ўртоқ Ю. В. Андропов Баёноти тўлқинлантириб юборди. Қурувчилар ўзаро келишиб, октябрдан бошлаб ҳар ойда бир кунлик иш ҳақларини тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

Юраклари планетамиздаги миллион-миллион жафокаш инсонлар юраги билан ҳамоҳанг тепаётган, эртамиз ҳақида қайғураётган бу кишилар кимлар? Мана улар, танишинг, Тожибой Хўрозов (бригада бошлиғи), Рубен Ашуров, Мустафо Сулаймонов, Толлибой Умаров, Муҳиддин Равшанов, Неъмат Ҳожиев, Энвер Кашкаев, Абдусамад Шобўтаев, Саъдулла Бобомуродов ва Қудрат Хўрозов.

Кўчма механизациялашган колоннада пешқадам ҳисобланган бу бригада аъзолари ойлик планларни шараф билан уддалаб келмоқдалар. Улар айни кунларда 72 квартирали уй-жой қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу объект план бўйича келгуси йил фойдаланишга топширилиши керак. Лекин имкониятларини қайта кўриб чиққан бунёдкорлар «ишни шу йил декабрдаёқ тугаллаймиз», дейишмоқда.

Тарихдан ўнлаб урушқоқларнинг тақдири бизга яхши маълум. Маржонбулоқлик ватанпарварларнинг ташаббуслари ўтмишни унутишни истаётган, ядро васвасаси касалига дучор бўлиб, Ер юзидан социализмни йўқ қилиб ташлашдек хом хаёллар билан юрган АҚШ маъмурларига қатъий ҳамда муносиб жавобдир.

Т. ХЎЖАМБЕРДИЕВ.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — район лар; иккинчи устун—мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Гурлан	118,04	47,48
Хонқа	115,93	90,56
Хива	111,49	56,20
Янгибозор	110,05	62,35
Қўшкўпир	107,64	62,01
Шовот	104,88	69,95
Боғот	104,52	70,52
Ҳазорасп	104,21	39,31
Урганч	103,32	61,11
Янгариқ	101,73	60,53
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Қораўзак	118,08	94,00
Ленинобод	117,05	101,33
Чимбой	116,55	82,91
Шуманай	115,76	77,75
Хўжайли	112,89	93,47
Қўнғирот	112,37	79,20
Беруний	110,43	86,91
Элликқалъа	106,98	82,13
Тўрткўл	106,88	27,20
Кегайли	105,59	81,46
Нукус	104,77	121,55
Бўзатов	104,64	60,32
Амударё	100,44	48,92
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Бўка	110,87	106,52
Коммунистик	109,21	110,19
Бекобод	105,74	75,55
Оққўрғон	105,63	109,13
Чиноз	103,74	79,58
Пискент	103,44	70,06
Ўрта Чирчиқ	102,88	85,69
Янгийўл	101,11	85,39
Ғалаба	93,62	69,40
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пастдарғом	110,75	75,04
Большевик	109,10	84,91
Иштихон	107,52	81,41
Каттақўрғон	105,54	82,48
Нарпай	104,04	60,01
Пахтачи	103,73	57,78
Пайариқ	100,31	33,06
Жомбой	97,05	18,69
Оқдарё	94,81	36,33
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ғиждувон	113,01	23,33
Олот	107,49	7,10
Ромитан	102,48	27,64
Шофиркон	102,24	3,08
Қоракўл	101,59	4,00
Когон	98,00	3,81
Вобкент	97,73	3,70
Бухоро	97,47	1,53
Свердлов	93,95	1,40
Пешку	88,04	6,22
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Нишон	110,57	103,78
Қарши	107,78	108,36
Усмон Юсупов	104,58	77,32
Муборак	103,80	117,76
Ғузор	102,30	26,38
Ульянов	102,29	106,87
Яккабоғ	101,37	98,84
Қамаши	101,35	81,75
Китоб	100,70	27,65
Чироқчи	100,47	81,21
Шаҳрисабз	100,02	18,09
Баҳористон	97,33	82,84
Косон	96,02	75,28
Кўкдала	93,91	41,88
Толлимаржон	51,27	37,98
НАВОИЙ ОБЛАСТИ		
Қизилтепа	106,60	48,52
Хатирчи	102,46	54,51
Навоий	100,80	37,37
Навбаҳор	81,79	4,43
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ленин йўли	114,86	107,55
Қумқўрғон	108,63	40,00
Шеробод	107,99	47,89
Ангор	106,16	102,46
Термиз	102,10	53,60
Жарқўрғон	97,71	52,67
Сариосиё	94,89	4,23
Шўрчи	91,04	4,41
Бойсун	87,60	88,77
Гагарин	86,11	76,19
Денов	82,03	24,39
Олтинсой	81,84	4,25
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Бувайда	120,84	21,55
Ленинград	101,98	13,22
Узбекистон	100,44	15,10
Киров	97,15	35,32
Тошлоқ	94,03	2,47
Ёзёвон	92,56	1,40
Охунбобоев	90,96	6,60
Бағдод	90,84	18,49
Риштон	88,47	12,00
Олтиариқ	87,76	4,90
Фарғона	87,39	10,71
Фрунзе	86,51	11,72
Қува	83,10	11,37
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Поп	100,29	61,75
Наманган	100,27	69,60
Косонсой	98,59	24,72
Чортоқ	92,68	29,58
Тўрақўрғон	91,08	76,05
Янгиқўрғон	90,26	2,81
Уйчи	88,44	11,35
Задарё	87,87	87,57
Чуст	87,24	18,26
Учқўрғон	84,27	51,44
Норин	77,92	41,94
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	113,52	97,04
Комсомолобод	104,23	59,04
Марҳамат	103,22	54,17
Москва	100,59	25,81
Ленин	98,83	4,94
Андижон	88,56	2,40
Избоскан	84,86	18,18
Қўрғонтепа	82,80	32,94
Балиқчи	81,34	11,56
Олтинкўл	80,59	1,92
Хўжаобод	78,15	13,77
Пахтаобод	77,90	3,13
Жалолқудуқ	73,29	17,27
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Октябрь	92,12	86,18
Дўстлик	89,52	74,79
Мирзачўл	88,67	71,43
Зарбдор	86,37	39,78
Арнасой	80,98	67,84
Жиззах	75,21	23,09
Пахтакор	70,96	47,19
Фориш	65,13	53,92
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ворошилов	100,87	86,05
Оқолтин	91,91	74,70
Сирдарё	90,85	57,71
Комсомол	86,58	69,88
Боёвут	84,65	51,09
Гулистон	82,09	69,68
Ильич	69,24	45,56
Ховос	59,87	23,09
Меҳнатобод	53,38	27,63

ЯНГИЛИКЛАР 83

1987 ЙИЛ ҲИСОБИГА

● СССР Давлат мукофоти лауреати Мақсудали Усмонхўжаев номини қўқонликлар моҳир қандолатчи, илғор бригада бошлиғи сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. У бошқараётган ширинликлар тайёрлаш бригадаси икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган. Бригада беш йиллик бошлангандан буён пландаги 1488 тонна ўрнига 3244 тонна новвот тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозир уларнинг меҳнат календарида — 1987 йил декабрь ойи. Бу муваффақиятларда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Р. Давронбеков, Халқлар Дўстлиги ордени кавалери Т. Холматов, меҳнат ветерани Т. Маҳкамов ва бошқа бир қатор илғор ишчиларнинг ҳиссаси бор. Қўқон нон комбинатида бу машъалларнинг издошлари тобора кўпайиб бормоқда.

М. ЙЎЛДОШЕВ.

НОВВОЙЛАР СУЛОЛАСИ

● Чуст район марказий нон комбинатига қарашли Оғасарой қишлоқ новвойхонасини бундан 20 йил олдин ташкил этиб, ҳозиргача уни бошқариб келаётган Турсуной Йўлдошева оиласини новвойлар сулоласи, дейиш мумкин. Унинг умр йўлдоши Эрмат ака, ўғли Холмамат, келини Зарифа ҳам у билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда. Улар оғасойликларнигина эмас, Балиқчи, Мирзаобод, Каркидон ва бошқа қўшни қишлоқ аҳолисини ҳам сифатли обинон билан таъминлайдилар. Партия ва ҳукуматимиз Турсуной Йўлдошеванинг хизматларини муносиб тақдирлаб, унинг кўксини учинчи даража Меҳнат Шуҳрати ордени ва қатор медаллар билан безади.

Т. Йўлдошева бошлиқ оилавий новвойхона коллективи ойлик ва квартал планларини ортиғи билан бажариб келишаётир.

С. НАСИМХОНОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика экономикаси ва маданиятининг гуркираб ривожланаётганлиги олимлар олдига иқтисодий ҳаётнинг етакчи бўғини бўлмиш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифасини йил сайин кескинроқ қилиб қўймоқда. Бу ўз навбатида КПСС XXVI съезди илм аҳли олдига қўйган вазифаларни тезроқ ҳал этишда Фанлар академияси ва унга қарашли илмий муассасаларнинг роли ҳамда масъулиятини тағин ҳам оширишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда олимларимизнинг куч-ғайрати назарий проблемаларни ишлаб чиқиш билан бирга янги техника, материаллар, илғор технология жараёнлари яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат ҳамда ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, умуман экономикани интенсивлашга имкон берадиган жамики янгиликларни яратиш ва амалиётда қўлланиш соҳасидаги энг муҳим халқ хўжалик масалаларини ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. С. Содиқов билан «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталари журналистларининг учрашувида Ўзбекистонда илм-фан равнақининг улкан кўламлари, энг қизиқарли илмий тадқиқотлар тўғрисида, олимларимиз чуқур изланиш олиб бораётган иқтисодий ва социал аҳамиятга молик проблемалар хусусида гап борди. Академик О. С. Содиқов учрашув пировардида журналистларнинг саволларига муфассал жавоб берди.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

СОЛДАТЛАР ҚУВОНЧИ

Қисм кутубхонаси мудири, Совет Армияси ходими Аркадий Иосиевич Красильщиков ўз ишхонасида якка қолганлигини ҳечам эслолмайди. Бу ердан ҳарбий қурувчилар аримайди. Солдатлар кутубхонадан янги бадиий адабиётлар олиш ёки алмаштириш, янги газета-журналларни ўқиш, навбатдаги «сиёсий тайёргарлик» бўйича бўладиган машғулотларга ҳозирлик кўриш билан ўз бўш вақтларини мароқли ўтказадилар.

Бироқ қардош республикалардан хизматга чақирилган солдатларнинг барчаси ҳам рус тилини яхши билавермайди. Активистлар бунинг ҳам йўлини топишди. Улар қисмда хизмат қилаётган солдатлар учун ўз тилларидаги янги бадиий китоблар жўнатишларини илтимос қилиб жойлардаги район, шаҳар комсомол комитетларига хат жўнатишди.

Кўп ўтмай қисмга қардош республикалардан бадиий китоблар солинган бандероль ва посилкалар кела бошлади.

Офицер Александр Петрович Кондрахин менга яқиндагина келган ўзбек тилидаги бир даста китоблар тахланган жавонни кўрсатди. Бу совғаларни қисм ҳарбий қурувчиларига Қарши шаҳар комсомол ва ёшлари жўнатишган.

Посилка билан бирга комсомоллардан хат ҳам келди. Хатда жумладан шундай сатрлар бор:

«Комсомол ҳамма вақт Совет Қуролли Кучларини ўз оталиғига олиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Қарши шаҳар комсомол комитети ана шу ажойиб анъанани давом эттириб, оталиқ ёрдами сифатида ўзбек тилидаги бадиий китоблардан жўнатмоқда. Умид қиламизки, бу китоблар солдат кутубхонасини тўлдиради, уларнинг дунёқарашларини янада кенгайтиришга, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ва пировардида она-Ватанимизнинг тинч ва осойишталиги йўлида янада унумлироқ, янада баракалироқ хизмат қилишларига ёрдам беради...»

Куни кеча қисм ҳарбий қурувчилари Оржоникидзе, Қамаши ва Уйчи район қомсомол комитетларидан ҳам бир даста китоблар олишди.

Эндиликда қисм кутубхонасида серқуёш Ўзбекистондан жўнатилган ўзбек тилидаги совғалар алоҳида ўринни эгаллайди.

Солдатлар ўз тилларидаги бадиий китобларни мароқ билан ўқишиб, оталиқ ёрдами кўрсатаётган комсомол ташкилотларидан миннатдор бўлишмоқда...

Бу китоблар бўш вақтларда, дам олиш кунлари ҳарбий қурувчилар билан «СССР — менинг Ватаним», «Мен туғилган ўлка» ва бошқа турли тематик кечалар, суҳбатлар ўтказишда ҳам қўл келаётир.

Э. ОДИЛОВ.

Мамлакатимизнинг илғор саноат корхоналари коллективлари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини яхшилаш юзасидан бошлаган ташаббус Тошкенддаги «Узбитпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Йил бошидан буён бу ерда 6,5 миллион сўмлик уй-рўзғор буюмлари ва турли хил манзарали безаклар реализация қилинди. «Н» — (Янгилик) индекси билан тайёрланган маҳсулотларнинг ўзнёқ 1.406 минг сўмни ташкил этди. Суратда: корхона муҳандиси Юлдуз Ёқубова бирлашма маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси.

«ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...»

Бригада шийпонига қайнатаси ташриф буюргани сабабини келини ҳис этиб турарди. Негаки, у ҳеч вақт бу ерга бежиз келмаган. Боягина колхоз радиоузелидан хўжаликда биринчи бўлиб пахта планини бажарган Абдураҳмон Барноев бригадаси изидан бораётган Жонибек Умаралиев бригадаси ҳам ғалаба рапортига имзо чеккани ҳақидаги хушхабар эълон қилинган эди. Ахир ҳар йили келини бошлиқ бригада улардан олдин пахта планини бажарардида! Бу йил нега орқада қолянти?! Қайнатаси бу ҳақда оғиз очмаса-да, азмойишчан худди шу нарса уни ташвишга солиб, бу ерга етаклаб келгани сезилиб турарди. Кеча ҳам шу мавзуда гап бўлганди-ю, Жамила даладан чарчаб келгани учун суҳбатлари узилиб қолганди. Келинимнинг пахта даласи, бригадаси аъзолари кайфиятини ўз кўзим билан бир кўриб келай деб отам отини қамчилабди-да, хаёлидан ўтди Жамиланинг.

Қайнота теримчилар билан чақчақлашиб тушлик қилди. Кейин этак тутиб, улар билан бирга пахтазор оралаб кетди. Қош қорайгандагина пахтазордан хирмон томон келаркан, кайфияти яна ҳам чоғ эди. Ҳайдарали ота яхши биладики, муваффақиятларнинг асосий гарови одамлардаги мана шундай сафарбарлик, ишга масъулият ҳисси. Келини шийпоннинг бир чеккасига уйиб қўйилган 60 жуфт калиш билан 40 қоп унни кўрсатиб, теримчилар овора бўлиб юришмасин деб буларни магазиндан тўғри шу ерга келтириб қўйдирдим, керагича олишса, уйларига машинада элтиб берамиз, деганида у янада яйраб кетди. Жамила одамларни яхши кўради. Уларга ғамхўр. Шунданми, кам бўлаётгани йўқ. Оддий колхозчи эди, бригадирликка кўтарилди. Жамила Каримова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Колхоздаги 36-мактабга 500 ўринли қўшимча корпус, колхоз идораси, боғча, ошхона қурилишларида астойдил жон куйдирди. Ҳозир бу ҳашаматли биноларда ҳамқишлоқларининг болалари ўқиб, яйраб-яшнаб тарбия олишмоқда.

Ота чойхонада дам олиб ўтирганидами, дўст-биродарлари, ҳамқишлоқлари келинининг орқасидан алқаб қўйишса, ўзида йўқ қувонади. Ахир келин ҳам фарзанд-да. Фарзанд бўлиб Жамиланинг у бошлиқ оилага келтираётган раҳматлари кўп.

...Депутатлик наказига кирмаган қанчадан-қанча ишларга дил амри билан киришди. Ўтган йили қайнотаси колхоз фермасини айланиб, қишга ғамланган емхашак чўғи кўзига кам кўринди чоғи, яна битта қўшимча комбайн бўлгандами, хашакни қишга ғамлаб олардик-да қизим, деб қўйди гап орасида. Эртасигаёқ бу тадбир амалга ошди. Культивация қиладиган тракторлар етишмаганда ҳам бошқа техника ёрдамларини ташкил этишда ҳам уддабуронлик билан иш тутди. Жамила ўтли-шудли аёл. Бўлмаса, колхоздаги 10 та бригадир йигит бажарган ишни бажариб, вақти келганда уларга ибрат кўрсатиб, ўн биринчи бригадир бўлиб юрармиди?! Ҳайдарали ота мақтанаётгани йўқ, шундай келини борлиги билан фахрланяпти, холос.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Одамнинг кимлиги унинг меҳнатга муносабати билан ўлчанади. Ҳайдарали ота 78 йиллик умрида ёмонни ҳам, яхшини ҳам кўп кўрди. Туғилиб ўсган жойига, ерига ихлос қўйганларнинг қанчасини суямади, қанчасининг қўлтиғига кирмади. Жамила янги бригадир бўлган кезлар ота ўғли Умаралини ёнига олиб:

— Хотинингга раҳминг келмаяптими? — деди жиддий. — Қара чигирткадай бўлиб кетибди. Тиним билмаса...

Ўғли менинг нима гуноҳим бор демоқчи бўлдию, отасининг юзига тик боқолмай, ерга қаради.

— Техника ремонтини бошқалар сендан дурустроқ бажариши мумкин. Суғоришда эса олдинга тушадигани ким. Ёшликдан ёнимда юриб, кўзинг пишиб қолган. Жамиланинг бригадасига сувчи бўлиб ишга ўт. Ўзим ёрдам бераман, — гапида давом этди ота. Хотинингнинг қанотига кир, суя уни, ўғлим. Буёғини эса менга қўйиб бер, раис билан ўзим гаплашаман... Ота кичик ўғли Абдували ва унинг оиласини ҳам шу тариқа Жамила бригадасига ўтиб ишлашга даъват этди. Кейинроқ бориб, Жамиланинг сингиллари ҳам буларга қўшилишди. Жамиланинг овсини Ҳалимахоннинг 6 боласи бор. Шунга қарамай, у тез вақтда бригаданинг рекордчи теримчиси бўлиб олди. Синглиси Ақидахон эса бу йил 10 тонна пахта териб берди.

Пахта ерларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини оширишда бригада аъзолари ҳар қайсисининг ўз ўрни бор. Булар илғор механизаторлардан Камолиддин Муҳиддинов, Комилжон Дадамирзаев, Муборак Қосимова, Тожиддин Мамадалиев, илғор теримчилардан қаҳрамон она Василахон Ғаффорова, Тожихон Ҳайдарова...

...Терим суръати Каримова бригадасидагина эмас, балки у мусобақадош бўлган колхозлари Ҳасанбой Каримов ва райондаги «Қизил Байроқ» колхозидаги Қўчқор Холбоев бригадаларида ҳам қирдай эди. Пахта уччала мусобақадош бригадаларда бир пайтда очилди. Теримга ҳам бир пайтда тушилди. Бригадаси пахта планини ўтган йилга қараганда бир ой кечикиб бажарган бўлса-да, янги С-90-63 нави фабрикабоп бўлиб, унга ишчиларнинг эҳтиёжи жуда катта эди. 109 гектар ердан 44 центнердан ҳосил кўтарган коммунист Ж. Каримова бригадаси колхозда учинчи бўлса-да, мусобақадошлари орасида биринчи бўлиб планни адо этди. Наманган районидаги «Коммунизм» колхози давлатга топшираётган 5100 тоннолик хирмонда Каримова бошлиқ бригада азаматларининг ҳам улкан улуши бор.

Жамилахон 25 йиллик меҳнат фаолиятида қанча серташвиш ва қувончли кунларни бошидан кечирган бўлса ҳамасига қайнотаси гувоҳ. Унга устоз, меҳрибон маслаҳатчи. Фақат унга эмас, отанинг қалби кенг. Унинг меҳр офтобидан ҳамма баҳраманд. У хўжаликнинг қаерида оқсаш, камчилик сезса, ўша жойга ёрдамга ошиқади. Ҳайдарали Йўлдошев деса колхозда етти ёшдан етмиш ёшгача яхши танийди. У моҳир сувчи, пахта миришкори, уста чорвадор, ажойиб боғбон... Бир сўз билан айтганда асл деҳқон. Жамила ундан кўп нарсани ўрганди, кўп яхшиликлар кўрди. Баъзида ёш келинларининг шижоатини қўллаб-қувватламаётган қайнона-қайноталарни, ўжар эрларни кўрганда у турмуш йўлдоши ва қайнона-қайнотасининг қадрига яна ҳам етади. Ўшаларга уларни мисол қилиб кўрсатаркан, она бўлолган қайноналарга, оталик қилган қайноталарга минг бор таъзим этади. Шу яхши одамлар туфайли бугунги ёркин ҳаёти, обрўйи, бахтига эришди.

Ҳайдарали ота план тўлган кунларда уйига сиғмайди. У далага ошиқади. Ўғли билан келини уч кундан буён шийпонда. Иш жадал, ёғин-сочинли кунлар тайин. Пахтанинг бир миқолини ҳам ерда қолдириб бўлмайди. Далада пахта бор экан, деҳқоннинг ҳаловати йўқ. Ана улар... Ўғли билан келини унга пешвоз келишяпти.

— Жаннатхон билан Рустамжон салом деб юборишди, — деди ота улар билан омонлашаркан.

Эр-хотин отага ялт этиб қарашди. Наманган пединститути талабалари бўлган ўғил ва қизлари Задарё районининг «Гулбоғ» совхозида пахтакорларга ёрдамга чиқишган. Қўллари тегмай, улардан хабар олишолмаётганди.

— Планни бажарганингизни айтдим, ўйнаб-кулиб юрибсиз,— яна гапга гап улаб кетди ота.

— Боришингизни айтганингизда-ку, ёғлиқ патир ёпиб берардим ота, — деди Жамила болаларини соғинганидан энтикиб.

Халқимиз Жамила исмини яхши кўради. Шунданми, бу ном кенг тарқалган. Оналар ўз нури-дийдаларига бу исмни қўяётганларида шоир Ҳамзанинг бахти қаро Жамиласи тақдирига қиёс қилиб эмас, балки Жамила қурашган орзу-умидлар, ёруғ кунлар фарзандларимиз пойига поёндоз бўлсин деб ният қиладилар. Бу орзу чиндан ҳам замонамиз қаҳрамонлари бўлган Жамила Каримова ва минглаб Жамилалар тақдирида чирой очмоқда.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Абдуқодир НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

СПОРТ

ШАХМАТ:

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

● **ЛОНДОН.** Тож даъвогарлари ўртасида ярим финал баҳслари тобора қизғин тус олмоқда. Г. Каспаров билан В. Корчной ўртасида давом этган олтинчи учрашув кескин ва муросасиз кураш-ларга бой бўлди. Бокулик гроссмейстер ўн тўққизинчи юришга борганда рақибининг ниятини билиш мақсадида унга дуранг таклиф этган эди. Корчной розн бўлмади. Шундан кейин шахмат тахтасида мураккаб вазият юзага келди. 41-юришда ўйин кечиктирилиб, эртасига давом эттирилди. Каспаров астойдил маҳорат кўрсатиб, 78-юришга борганда Корчнойни таслим бўлишга мажбур қилди. Шундай қилиб, бу даъвогарлар ўртасидаги ҳисоб [3:3] тенглашди. В. Смислов билан З. Рибли ўйинлари ҳам қизиқарли бўляпти. Еттинчи партия Смисловнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди. Ҳозир у, 3,5:2,5 ҳисобида олдинда бормоқда.

● **СОЧИ.** Аёллар ўртасида тож даъвогарлиги учун ўтказилган ярим финал баҳсларининг бирида ғолиб аниқланди. Л. Семёнова билан Н. Иоселиани ўртасида кечиктирилган ўнинчи партия давом эттирилди. Лидия ғалаба қозонди. Шундай қилиб у ҳисобни 5,5:4,5 га етказиб, финалга йўлланма олди.

● **САМАРҚАНД.** Олий ўқув юртлари спорт клублари ўртасида СССР кубоги учун мусобақалар ўтказилмоқда. Соврин учун курашда 12 команда иштирок этмоқда. Навбатдаги учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: Тошкент ҳамда Қозоғистон университетлари учрашуви 3:2, Самарқанд ва Озарбайжон университетлари ўйини 4:1 ҳисобида тугади. Ҳозир самарқандлик шахматчилар ўз группаларида иккинчи ўринни эгаллаб туришган бўлса, тошкентликлар учинчи ўринда боришмоқда.

СУЗИШ:

Яна бир ғалаба

Ростов-Дон шаҳрида СССР кубоги учун ўтказилган мусобақа якунланди. Совриндорлик баҳсида тошкентлик Л. Белоконнинг 100 метрга брасс усулида, С. Заболотновнинг 200 метрга чалқанча усулда сузишда ғалаба қозонишгани ҳақида хабар қилган эдик. С. Заболотнов 100 метрга сузишда ҳам (57,74 секунд) муваффақият қозонди.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР 63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **қурилиш бўёқчиси, қурилиш дурадгори.** Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил; **электр пайвандчиси.** Ўқиш муддати 3 йил; **электр монтажчиси.** Ўқиш муддати — 6 ой. Стипендия — 72 сўм.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ВА МАЛАКА РАЗРЯДИ БЕРИЛАДИ.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташда бажарилган иш бўйича маошнинг 50 процента тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн, 13 та спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари кириш ҳуқуқи билан жўнатиладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмда).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 131-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 18, 54-автобусларнинг «12-квартал» бекати; 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БУТИНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(СоюзНИХИ)
1984 йил учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги аспирантурага: ўсимликлар физиологияси, умумий деҳқончилик, мелиорация ва ўзлаштириладиган ерлар, агрохимия, селекция ва уруғчилик, техник экинлар;

сиртқи аспирантурага: умумий деҳқончилик, мелиорация ва ўзлаштириладиган ерлар, тупроқшунослик, агрохимия, селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, техник экинлар, экономика, қишлоқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кириш имтиҳонлари 15 январда бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт директори номига ёзилган ариза, кадрлар учети бўйича шахсий варақа (6x9 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат билан), таржимаи ҳоли, иш жойидан характеристика (камида 2 йиллик стажи ёзиб кўрсатилиши зарур), олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси ва баҳолар ведомостидан кўчирма (нотариус томонидан тасдиқланган), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойидан тасдиқланган), 286-формадаги медицина справкаси, илмий ишлари рўйхати ёки тайланган ихтисоси бўйича реферат.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702133, Тошкент области, «Оққовоқ» алоқа бўлими.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
Лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: ичтерлама касалликлари эпидемиологияси ва бошқа сальмонеллёз касалликлари, сурункали юқумли касалликлар жараёнини ўрганиш, бруцеллез, вабо, арбовирусли инфекциялар диагностикаси ва клиникаси ва уларни даволаш;

катта ва кичик илмий ходимлар: ичак инфекцияси диагностикаси методларини такомиллаштириш, қизамиқ ва грипп, ташкилий-методик бўлим;

кичик илмий ходимлар: ўткир, ичак касалликлари этнологиясини ўрганиш, сальмонеллёз, патоморфология, зоонозли инфекциялар диагностикаси ва клиникаси (3 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 январгача.

Ҳужжатлар конкурс шартларига кўра қуйидаги адресга жўнатилсин: 700133, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 42-32-22, 42-32-15.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими
КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
муҳофазаланган тупроқ лабораторияси катта илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702015, Тошкент области, Тошкент области, Тошкент области, «Қозоқ-Кенсой» алоқа бўлими.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА-ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Иккинчи ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, ассистенти.

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 январгача.

Адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ», «СУВ ЖОЗИБАСИ» АТТРАКЦИОНИ (19.30).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Уйқудаги гўзал**, 8/XII да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Зебуннисо**, 8/XII да **Нодирабегим.**

Телевидение

7 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 — Ўлим архиви. Бадиий фильм. 2-серия. 12.00 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — К. Тренёв. Любовь Яровая. 16.30 — Горнчилар, қаердасиз. 17.15 — Фалсафа ва маданият. 18.00 — Экран дўстларни чорлайди. 18.45 — Спорт ҳафталиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.45 — Ўлим архиви. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Спартак (Москва) — Спарта (Голландия). 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.45 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.35 — Тарих. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.05 — Ўқитувчи. Очерк. 14.15 — Уйғониш даври санъати. 14.45 — Тарих саҳифалари. Шуҳрат ордениниг 40 йиллигига. 15.35 — Қишлоқ янгиликлари. 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ўрмоннинг кўзга кўринмас ҳаёти. 19.00 — К. Чапек. Макропулос чораси. ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 21.30 — Время. 22.00 — Ўлим билан олишув. Бадиий фильм. 23.30 — Гитарачи Мария Луиза Анидо чалади.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Совет хотин-қизлари. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Тенгдошларинг ижоди. 18.45 — Пахта телевизион комплекс программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қалбимиз ҳамиша уйғоқ. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22,15 — Ватан-гадолар. Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.40 — МОСКВА-II. 18.15 — Ўқитувчи экрани. 18.50 — Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади. Бадиий фильм. 3-серия. 20.00 — Янгиликлар, 20.25 — Ижодий изланиш кишилари. 20.55 — Кутилмаган қувонч. Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II.

8 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар қаердасиз. 10.25 — Ўлим архиви. Бадиий фильм. 3-серия. 12.05 — Саёҳатчилар клуби. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Союзлар уйининг Колонна залида ўсмирлар учун музикали кўрсатув. 18.15 — Шахмат мактаби. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ куйлари. 19,45—Ўлим архиви. Бадиий фильм 4-серия. 21.30— Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Балет артистларининг концерти.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Коинот пароли. 10.05 ва 13.35 — Испан тили. 10.55 — Онамларнинг мактаби. 11.25 — Дарё оқади. 11.35 ва 12.45 — Н. А. Некрасов лирикаси. 12.05 — Физика. 13.05 — Тарих. 14.05 — Бил ва уддала. 14.45 — Уйланиш. Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Қадимий куйлар квартети Ф. Э. Бах асарларидан сюита ижро этади. 19.00 — Коллектив нимага қодир. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Биография факти. Бадиий фильм. 23.15 — Ҳаво шари ихтиро этилиши тарихи ҳақида.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — География. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 — Зоология. 13.00 — Агар бахтли бўлишни истасанг. Бадиий фильм. 17.55 — Сўз кетидан сўз келар. 18.15 — Илм ва амалиёт ҳамкорлиги. 18.45 — Кинокамера фош этади. 19.30 — Ахборот. -19.45 — Санъат усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Санъат усталари (эшиттиришнинг давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Ватангадолар. Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II 9.00 — 16.30 — МОСКВА-II. 18.00 — Телефильм. 18.20 — Ешлик. 18.50 — Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади. Бадиий фильм. 4-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.35 — Ғалла бойлигимиз. 20.55 — Оқ уйимга ташриф буюр. 21.30 — МОСКВА-II.

Радио

7 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

I-ПРОГРАММА. 8.30 —«Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 — Концерт, 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Ҳосилни йиғиб олиш — бизнинг шарафли бурчимиз. 19.25 — Фортепьяно пьесалари. 20.50 — Шеърият кечаси. 22.30 — Ёш ижрочилар концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 02335. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 278. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15